

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСЛОМОВ УТКИР ПИРМЕТОВИЧ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИ ГЕОАХБОРОТ
ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ГИДРОМОДУЛЬ РАЙОНЛАШТИРИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Исломов Уткир Пирметович

Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини геоахборот тизимларидан
фойдаланиб гидромодуль районлаштириш..... 3

Исломов Уткир Пирметович

Гидромодульное районирование орошаемых земель Хорезмской области
с использованием геоинформационных систем..... 27

Islomov Utkir Pirmetovich

Hydromodule planning of irrigated lands of Hhorazm region using
geoinformation systems..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСЛОМОВ УТКИР ПИРМЕТОВИЧ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИ ГЕОАХБОРОТ
ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ГИДРОМОДУЛЬ РАЙОНЛАШТИРИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.3.PhD/T1886 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамидов Муҳаммадхон

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Норқулов Усмон

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Сафаров Эшкабул Юлдашович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти.

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 й. «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.(99871)-237-22-67, факс: (+99871)-237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Т.Салоҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А.Гаппаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

А.Т.Салоҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси муовини, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши муаммоси инсоният кун тартибда долзарб бўлиб, бу сайёрамизда фақат ҳароратнинг ўртача йиллик кўтарилиши эмас, балки барча геотизимнинг ўзгариши: жаҳон океанининг кўтарилишининг юзага келиши, муз ва доимий музликларнинг эриши, ёғингарчиликнинг бир текисда ёғмаслигининг ортиши, дарёлар оқими режимининг ўзгариши ва иқлимнинг беқарорлиги билан боғлиқ бошқа ўзгаришларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳарорат динамикаси режимининг кузатувлари шуни кўрсатдики, максимал ҳароратнинг ўсиш суръати йилига 0,22 даражага, минимал эса, 0,36 даражани ташкил қилди. Шунга асосланган ҳолда, 20 йилдан кейин республиканинг шимолий қисмида ўртача йиллик ҳарорат 2-3 даражага, жанубий қисмида эса, 1 даражага ортади.

Жаҳонда иқлим ўзгариши сув юзаларидан сувнинг буғланишини 10-15% га, ўсимликлар транспирацияси ва суғориш меъёрларининг ортиши туфайли сувнинг 10-20% кўпроқ сарфланишига олиб келади. Бу эса, сувнинг тикланмай истеъмол қилинишини ўрта ҳисобда 18% га ортишига олиб келади. Бу, шубҳасиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кейинги ўсишини қийинлаштиради¹.

Ҳозирги кунда Республикамизда пахта-кузги буғдой навбатлаб экиш тизими қўлланиши натижасида суғориш тармоқлари йил давомида узлуксиз ишламоқда. Коллектор-зовур тармоқларига тушаётган юк ошиб кетган. Булар ўз навбатида Хоразм воҳасида тупроқ хосил бўлиш жараёнига ҳам таъсир қилмоқда, воҳада гидроморф тупроқлар майдонларининг ошиши кузатилмоқда. Шунинг учун 80-йилларда ишлаб чиқилган Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини гидромодуль районлаштирилишига ўзгаришлар киритиш, суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштиришда замонавий геоахборот тизимларидан фойдаланиб, туманлар кесимида электрон хариталарини яратиш ва ҳар бир гидромодуль районлар бўйича ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини аниқлаш масалаларини ҳал қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари иқлим ўзгариши ҳамда Республикамизда кузатилаётган ва тобора ошиб бораётган сув танқислиги шароитида долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлда қабул қилинган ПФ-6024-сонли фармони билан тасдиқланган “2020-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини сув хўжалигини ривожлантиришнинг коцепцияси” бўйича Фармони² ҳамда 2021 йил 24 февралдаги “2021-2023 йиллар Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-5005-сонли қарорларига биноан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва

¹ [O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi](https://lex.uz/docs/4892953)

² <https://lex.uz/docs/4892953>

ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш масалалари асосий вазифалардан қилиб белгиланган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш, тупроқнинг сув режимини ўсимликлардаги физиологик жараёнлар ва уларнинг ҳосилдорлигига таъсири ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларнинг суғориш тартибини ва сув истеъмоли аниқлаш бўйича кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, жумладан минтақамизда С.Н.Рыжов, В.М.Легостаев, Н.А.Максимова, Н.Ф.Беспалов, Ф.М.Рахимбаев, Қ.М.Мирзажанов, Б.С.Мамбетназаров, М.Х.Хамидов, А.Э.Авлиякулов, Б.Ш.Матякубов, А.Б.Мамбетназаров ва хорижда Х.Карриен, С.Стоккинг, Evett, Steven R., Paul D. Colaizzi, and Terry A. Howell, Faurès, J., Svendsen, M., Turrall, H., Fraiture, C., Perry, C., Hsiao, T.C., Steduto, P., Fereres, E., Iglesias, E., Blanco, M., Irmak, S., Odhiambo, L.O., Kampas, A., Petsakos. ва бошқалар бу масалада изланишлар олиб бориб, ижобий натижаларга эришганлар.

Бугунги кунда замонавий ГАТ технологиясидан фойдаланиб, гидромодуль районлар бўйича суғориладиган ерларни тақсимлаш ва туманлар кесимида суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш электрон хариталарини яратиш муаммолари ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлари режасига кирган ҚХ-А-ҚХ-2018-297-сонли “Хоразм воҳаси (Хоразм вилояти ва ҚҚР нинг жанубий туманлари) нинг суғориладиган ерларини гидромодуль районлаштириш ва ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020) ҳамда ФЗ-20200929192-сонли “Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида глобал иқлим ўзгаришини суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини баҳолаш ва башоратлаш ҳамда ГАТ технологияси асосида суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш электрон хариталарини яратиш услубларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2021-2024) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сув танқислиги ошиб бораётган шароитида Хоразм вилоятида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида замонавий ГАТ технологиясидан фойдаланиб, суғориладиган ерларни гидромодуль районлар бўйича тақсимлаш ва туманлар кесимидаги гидромодуль районлаштириш электрон хариталарини яратиш ҳамда асосий гидромодуль районлар бўйича ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикада ва хорижий давлатларда суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш тартибларини аниқлаш бўйича бажарилган ишларни таҳлил қилиш;

суғорма деҳқончиликда сув ресурслари истеъмолини мақбуллаштириш мақсадида Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини туманлар кесимидаги гидромодуль районлаштириш электрон хариталарини яратиш услубини ишлаб чиқиш;

Хоразм вилояти суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини мониторингини олиб боришдаги мавжуд кузатув қудуқларининг координата қийматларини аниқлаш ва рақамлаштириш;

Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини гидромодуль районлар бўйича майдонларини аниқлаш;

Хоразм вилоятининг асосий гидромодуль районлари бўйича ғўзанинг илмий асосланган, мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш;

ғўзанинг мақбул суғориш тартибларини сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минерализациясига ҳамда тупроқнинг туз режимига таъсирини аниқлаш;

мақбул суғориш тартибларини ғўза етиштиришдаги иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини тупроқ ва гидрогеологик шароитлари, гидромодуль районлаштириш принциплари, ГАТ технологияси асосида гидромодуль районлаштириш электрон хариталари ва ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиблари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини гидромодуль районлаштириш, ГАТ технологияси асосида гидромодуль районлаштириш электрон хариталарини яратиш ҳамда ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини сув ресурсларининг маҳсулдорлигига, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. ГАТ технологиясидан фойдаланиб, суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш электрон хариталарини ишлаб чиқишда геахборот тизими оиласига мансуб ArcGIS дастуридан ҳамда ArcGIS дастурининг IDW (қарама-қарши вазнли масофалар) интерполяциялаш алгоритмидан ва Растр калкулятор панелидан фойдаланилди. Сизот сувларининг сатҳини кузатувчи қудуқларнинг жойларда координата қийматларини аниқлаш ва рақамлаштириш ишларини олиб боришда HI-Target i70 маркадаги икки частотали GPS/GNSS сунъий йўлдош тўлқин қабул қилгичидан фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнида дала ва лаборатория тадқиқотлари ва фенологик кузатувлар Пахта селекцияси, уруғчилигини етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПТИ 2007 йил) га асосан олиб борилди. Олинган маълумотлар аниқлиги ва ишончлилиги Б.А.Доспеховнинг икки омилли дисперсия услуби ҳамда компьютер дастури ёрдамида математик–статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғорма дехқончиликда сув ресурслари истеъмолини мақбуллаштириш мақсадида геоахборот тизим ва технологияларидан фойдаланиб, Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини туманлар кесимидаги гидромодуль районлаштириш электрон хариталарини яратиш усули ишлаб чиқилган;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини мониторингини олиб боришдаги мавжуд кузатув қудуқларининг координата қийматларини GNSS сунъий йўлдош тўлқин қабул қилгич қурилмаси ёрдамида аниқлаш, геомаълумотлар базасига конвертация қилиш ва атрибутларини шакллантириш усули такомиллаштирилган;

Хоразм вилоятининг тупроқ-гидрогеологик шароитларини аниқлаш асосида ArcGIS дастурининг IDW интерполяциялаш алгоритмидан ва Rastr калькулятор панелидан фойдаланиб, суғориладиган ерларни гидромодуль районлар бўйича майдонларини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

Хоразм вилоятининг асосий гидромодуль районлари бўйича ғўзанинг мақбул суғориш тартиблари аниқлаган;

суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш ва ғўзанинг мақбул суғориш тартибларини тупроқнинг туз режимига, сизот сувлари сатҳига, уларнинг минерализациясига ҳамда ғўза етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғориладиган ерларини гидромодуль районлаштириш, туманлар кесимида гидромодуль районлаштириш электрон хариталарини яратиш вилоятда сувдан фойдаланиш режаларини тузишда ва ажратиладиган сув лимитларини белгилашда асос бўлиб, сув истеъмоли ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий қилиш имконини яратди;

асосий гидромодуль районлар бўйича (ҳар хил тупроқ-иқлим шароитида) ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиблари (суғоришлар сони, муддатлари ва меъёрлари) ишлаб чиқилиб, 20% гача сув ресурсларининг иқтисод қилиниши, ғўза ҳосилдорлигини гектаридан 3-5 центнерга ошиши ва атроф муҳитга бўлаётган салбий таъсирнинг камайиши таъминланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги улар умумий қабул қилинган тадқиқот усулларида бажарилганлиги ҳамда олинган маълумотлар вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилоятининг тупроқ-гидрогеологик шароитлари тахлили ҳамда ГАТ технологияси асосида суғориладиган ерларни гидромодуль районлар бўйича майдонлари

аниқланганлиги, геахборот тизими оиласига мансуб ArcGIS дастуридан фойдаланиб, Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини туманлар кесимидаги гидромодуль районлаштириш электрон хариталарини яратилганлиги ҳамда асосий гидромодуль районлар бўйича ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиблари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини туманлар кесимида гидромодуль районлаштириш электрон хариталари вилоятда сувдан фойдаланиш режаларини тузишда ва ажратиладиган сув лимитларини белгилашда асос бўлиши, асосий гидромодуль районлар бўйича ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиблари 20% гача сув ресурсларининг иқтисод қилиниши ва ғўза ҳосилдорлигини гектаридан 3-5 центнерга ошиши имконини яратганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини геоахборот тизимларидан фойдаланиб, гидромодуль районлаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

вилоятнинг суғориладиган ерларини гидромодуль районлар бўйича майдонлари, туманлар кесимидаги гидромодуль районлаштириш электрон хариталари Чап қирғоқ Амурдарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 17 октябрдаги №03/37-3375-сонли маълумотномаси). Натижада вилоятда юқори аниқликда сувдан фойдаланиш режаларини тузиш ва ажратиладиган сув лимитларини белгилаш имконияти яратилган;

ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиблари 2020-2021 йилларда Хоразм вилояти Шовот туманидаги “Эргаш Рўзимов” номли фермер хўжалигининг (IX гидромодуль район) 25 гектар майдонида жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 17 октябрдаги №03/37-3375-сонли маълумотномаси). Натижада суғориш сувлари 20 % тежалган ва ғўзадан 3-5 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган;

ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиблари 2020-2021 йилларда Хоразм вилояти Гурлан туманидаги “Тўлқин-Мирзабек-Асилбек” фермер хўжалигининг (VII гидромодуль район) 22 гектар майдонида жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 17 октябрдаги №03/37-3375-сонли маълумотномаси). Натижада суғориш сувлари 30 % тежалган ва ғўзадан 4-5 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг ва Ўзбекистон Республикаси ҚХИИЧМ нинг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланган ҳамда илмий ҳисоботлар университетнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, жумаладан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган республика журналларида 7 та, Scopus базасига индексация қилинган нашрларда 2 та, хорижий журналда 2 та мақола, Халқаро ва Республика анжуманлари материалларида 2 та мақола, 1 та монография ва 1 тавсиянома чоп этилган ҳамда 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулосалар, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хоразм вилоятининг табиий-иқлим шароитлари ва суғориладиган ерларининг таснифи**» деб номланган **биринчи бобида** ҳудуднинг географик жойлашуви ва иқлим шароити, литологик, геоморфологик ва гидрогеологик шароитлари ҳамда суғориладиган ерларини тупроқ-мелиоратив шароитлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, қуйи Амударё оқимининг чап қирғоғидаги қадимий суғориладиган ерларнинг бир қисмини эгаллайди. Хоразм вилояти ерлари шимолий-шарқий томондан Амударё ва Қорақалпоғистон Республикаси, жанубий ва жануби-ғарбий томонларидан Қорақум ва Қизилқум саҳролари билан чегараланган. Хоразм вилояти саҳро ҳудудида жойлашган. Хоразм воҳасининг иқлим шароити тез ўзгарувчан ва ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, республикамизнинг бошқа вилоятларниқидан кескин фарқ қилади.

Хоразм вилоятида йиллик ўртача ҳавонинг ҳарорати $12,9^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Қишнинг уч ойи давомида совуқ бўлади. Урганч метеостанцияси маълумотларига кўра, январь ойида ўртача ҳавонинг ҳарорати $-14,3^{\circ}\text{C}$, июнь ойида бир кеча кундузда ўртача ҳавонинг ҳарорати $+27,4^{\circ}\text{C}$ иссиқ бўлади. Ҳудуднинг иқлим режимига бир томондан Қизилқум кумларидан келадиган иссиқ ҳаво ҳаракати, иккинчи томондан Амударёнинг сув режими таъсир қилади. Қиши каттиқ келган айрим йилларда ҳавонинг энг паст ҳарорати $-31-32^{\circ}\text{C}$ совуқни ташкил қилса, энг иссиқ ойларда ҳавонинг юқори ҳарорати $+40-45^{\circ}\text{C}$ га етади. Энг иссиқ ойлар: июнь, июль, август, энг совуқ ойлар эса, декабрь, январь ва февраль ойлари ҳисобланади.

Тадқиқот объектлари жойлашган Хоразм вилоятининг об-ҳаво шароитларини Урганч метеостанциясининг маълумотлари билан тавсифлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилоятининг ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги, шамол тезлиги ва ёғингарчиликлар миқдорлари.

(“Урганч” кузатув маркази маълумотлари (2017-2020)).


Йиллар	Ҳавонинг ҳарорати			Нисбий намлик, %		Ёғингарчилик, мм		Шамол тезлиги, м/с
	ўртача	мах	мин	ўртача	мин	мах	сумма	ўртача
2017	13,4	43,9	-13,1	54,1	11,0	17,2	123,3	3,3
2018	13,4	45,5	-19,8	50,5	6,0	30,8	124,0	3,5
2019	14,4	44,9	-13,0	55,1	7,0	23,2	105,2	3,4
2020	13,6	42,6	-13,3	51,1	8,0	12,5	89,0	3,6

Хоразм воҳасининг ҳудудининг литологик–геоморфологик тузилиши жуда мураккаб ва ўзига хос гидрогеологик шароит ва тупроқ қатлами ташкил этади. Хоразм воҳасидаги суғориладиган майдонлари паст текислик бўлиб, умумий нишаблигии жуда кичик. Унинг асосий йўналиши жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга қараб йўналган. Геоморфологик шароити қадимий Дарёлик ва Довдан дарё водийсидан иборат бўлган, ҳозирги Амударё бўйларидаги кўл олди, сахро минтақаларидаги ерлардан иборат. Геологик жиҳатдан ҳудуд литологик тузилиши қалин қатламли тўртламчи даврда пайдо бўлган, учламчи давр ётқизиқлари устида жойлашган тоғ жинсларидан иборат бўлиб, улар ёйсимон шаклда Амударё сувлари фаолияти натижасида тўлдирилган аллювиал ётқизиқлардан ташкил топган.

Вилоятнинг гидрогеологик шароити қадимий текисликнинг гипсометрик ҳолати, геологик тузилиш ва ирригация-хўжалик фаолият билан белгиланади. Д.М.Кац (1976 йилда) Хоразм вилояти доирасида икки асосий геоморфологик ҳудудни ажратиб кўрсатади: биринчиси-қайир ва қайирусти террасаси билан ҳозирги Амударё водийси ва унга қўшилган Дарёлик ва Довдан дарёларининг эски ўзанлари билан дарёнинг қадимий текислиги. Иккинчиси-10 та гидрогеологик туман: ҳозирги қайирнинг аллювиал-ўзан ёқаси қатламларидан, Амударё соҳиллари қатламларидаги кум–шағалли Қорақум саҳросидан, Юмуртоғ баландлигидаги палеозой қатламларидан, Амударёнинг қайр ёқаси террасасидан, қадимий дарё оралиғидан, Амударёнинг эски ўзанидан, эски ўзанидаги кумлардан, четки ерлардан суқулиб кирган кумлик саҳродан, кум-шағалли баланд саҳродан иборат.

Ер ости сувларининг куйилиш жойи Аччикўл, Амиробод ботқоқлиги ва Султонуйзоғ тоғолди пастликлари бўлиб ҳисобланади. Султонуйзоғ ҳудуди табиий тўсиқ вазифасини ўтайди, чунки бу ерда ер ости сувларининг бир қисми буғланишга сарфланади, бир қисми дарёга сингиб кетади, бир қисми эса оқиб шимолга, Қизилқум томонга кетади. Бундай шароитда ер ости сувлари таркибини туманлаштириш жуда мураккаб бўлиб, бир қатор табиий

ва сунъий омилларнинг ўзаро таъсирларини ҳисобга олишни талаб қилади (1-расм).



1-расм Хоразм вилояти суғориладиган ерларининг гидрогеологик харитаси

Хоразм воҳасида тупроқ ҳосил бўлиш жараёни мураккабдир. Тупроқ ҳосил бўлиши фақат тирик организмлар-юксак ўсимликлар ва микроорганизмларнинг ўзаро таъсири туфайли содир бўлади. Қуйи Амударё тупроқлари ташкил бўлиш жараёнида асосий ўринини Амударёнинг оқар сувлари таркибида оқизиб келтирилаётган турли хил тупроқ тоғ жинсларининг майда зарраларидан ва суғорма деҳқончиликда пайдо бўлган ва далани суғориш даврида келтириб ётқизилиши натижасида вужудга келади ёки пайдо бўлади. Улар асосан тўртламчи давр аллювиал ётқизикларидир.

Диссертациянинг «**Суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш ва экинларни суғориш тартиблари бўйича адабиётлар таҳлили**» деб номланган **иккинчи бобида** суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш, геоахборот тизими ва технологиялари, гидромодуль районлар бўйича қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш тартиблари ва қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий сув истеъмоли келтирилган.

Гидромодуль районлаштиришнинг асосий принциплари Ўрта Осиё учун 1932-1951 йилларда В.М.Легостаев, Б.С.Коньков ва Г.П.Гельцерлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида тупроқнинг механик таркиби ва ер ости сизот сувларининг жойлашиши ётади.

В.Р.Шредер ва б. (1968) таъкидлашларича, ер ости сувлари сатхи ва тупроқнинг механик таркиби бир хил бўлса ҳам, гидрогеологик-мелиоратив области ҳар хил бўлса, суғориш тартиби ҳам турлича бўлади.

С.Н.Рижов, Беспалов Н.Ф., Малабаев Н.И. ва бошқалар суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштиришда уларни 3 та мелиоратив: автоморф, ярим автоморф ва гидроморф режимларда аэрация зонасидаги тупроқ қатламларининг жойлашишини ҳисобга олган 9 та гидромодуль районларга ажратиб, Хоразм вилояти шароитида гидромодуль районлар бўйича ғўзанинг мавсумий суғориш меъёри гектарига 3000 дан 7200 м³ гача бўлишини тавсия этишган (2-жадвал).

Беспалов Н.Ф., Лифшиц Э.А., Малабаев Н.И. ва бошқаларнинг маълумотлари бўйича, мавсумий суғориш меъёри гектарига 4500-5000 м³ бўлса, тупроқнинг шўрланиши ортмайди, хатто амал-ўсув даврида илдиш жойлашган қатлам тузсизлана бошлайди. Лекин сув миқдори 2 марта камайтирилса тупроқнинг шўрланиши орта бошлаши исботлаган.

2-жадвал

Гидромодуль районлаштириш жадвали

Гидромодуль район номери	Тупроқ ҳолати	Сизот сувлари сатхи,м
	Автоморф тупроқлар	
I	Қум-шағал устида жойлашган кам қалинлик (0,2-0,5 м) даги қумоқ ва лойли ҳамда катта қалинликдаги қумли.	>3,0
II	Қум-шағал устида жойлашган ўрта қалинлик (0.5-1.0 м) даги ўрта, оғир қумоқ ва лойли ҳамда катта қалинликдаги қумлоқ ва енгил қумоқ.	>3,0
III	Катта қалинлик (1.0 м дан кўп) даги ўрта ва оғир қумоқ ва лойли.	>3,0
	Ярим автоморф тупроқлар.	
IV	Қумли ва қумоқ ҳамда кам ва ўрта қалинликдаги қумоқ ва лойли.	2-3
V	Бир хил қатламли енгил ва ўрта қумоқ ҳамда пастга енгиллашувчи оғир қумоқ.	2-3
VI	Оғир қумоқ ва лойли, бир хил қатламли ва турли механик таркибли, қатламли.	2-3
	Гидроморф тупроқлар.	
VII	Қумли ва қумоқ ҳамда кам ва ўрта қалинликдаги қумоқ ва лойли.	1-2
VIII	Бир хил қатламли енгил ва ўрта қумоқ ҳамда пастга енгиллашувчи оғир қумоқ.	1-2
IX	Оғир қумоқ ва лойли, бир хил қатламли, турли	1-2

Хамидов М.Х., Хоразм ваҳосининг шўрланган тупроқлари шароитида ғўзани суғоришда тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-80-60 % да ушлаб туриш кераклигини тавсия қилган.

Мамбетназаров А.Б., Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ғўзани суғориш тартибини белгилашда ғўзанинг суғориш олди тупроқ намлигини ва гидромодуль районлаштириш бўйича дала тажриба ишлари олиб борган ҳамда ғўзадан юқори ҳосил олиш бўйича тавсиялар берган.

Ер ости сувларининг кўтарилиш тезлиги тупроқнинг механик таркибига, тузилишига ва тахланишига боғлиқ: қумли, енгил ва ўртача қумоқ тупроқларда ер ости суви тупроқнинг капилляр найчалар ёрдамида кўтарилиш тезлиги юқори, оғир қумоқ, механик таркиби ҳар хил, тузилиши бўйича қатламли тупроқларда ер ости сувларининг кўтарилиши анча секин бўлади.

Кейинги йилларда хариталар яратишнинг қоғоз кўринишидан электрон рақамли кўринишига ўтиш, яъни геоахборот тизимидан фойдаланган ҳолда хариталар яратишнинг компьютерли технологиясига ўтиш жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Маълумотларнинг кўплаб турларини вақт ўтиши билан тез-тез ўзгариб туриши, оддий усулда тузиладиган қоғозли харитадан фойдаланишни анча қийинлаштириб юбормоқда. Бугунги кунда тезкор ахборотларни қабул қилиш, уларнинг долзарблигини кўрсатиш фақатгина автоматлаштирилган тизим кафолатлаши мумкин.

ArcGIS дастури хариталарни қоғозли кўринишдан электрон рақамли кўринишга ўтказишда хизмат қилади. Хаританинг мавзули қатламларини мувофиқлаш, картографик тасвирни ҳосил қилиш ва уларни таҳрир қилиш, хаританинг компоновкасини ишлаб чиқиш ва уни нашрга тайёрлаш ва нашр қилиш ҳамда электрон харита ва планларни яратишда маълумотлар базасини янада кенгайтириш максатида, унга янги ташкил топган боғлар, узумзор, тутзорларни, сув таъминоти оғир ерларни киритиб бориш мумкин.


Диссертациянинг **«Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини геоахборот тизимларидан фойдаланиб, гидромодуль районлаштириш»** деб номланган **учинчи бобида** суғориладиган ерларни гидромодуль районлаштириш тамойиллари, геоахборот тизими технологиялари асосида Хоразм вилояти суғориладиган ерларини рақамлаштириш ва Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини электрон рақамли гидромодуль районлаштириш хариталарини яратиш бўйича таҳлилий ишлар келтирилган.

Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини геоахборот тизимларидан фойдаланиб, гидромодуль районлаштириш хариталарини тузиш учун дастлаб суғориладиган ер майдонларини геомаълумотлар базасида шакллантириш ва визуаллатиришда ер майдонларининг географик жойлашувини тузиш талаб этилади. Шу сабабли Хоразм вилоятидаги мавжуд суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг геомаълумотлар базаси ва

мавзули қатламлари яратилди. Дастлаб мазкур босқичларни амалга оширишда SAS Planeta дастуридан юклаб олинган космосуратлар ArcGIS дастурининг ArcMap иловасига юклаб олинди. Юклаб олинган космосурат геофазовий боғланиш жараёнидан ўтгач ҳудудий координаталарга боғланди. Ҳудудий координаталарга боғлашда географик координаталар тизимидан фойдаланилди.

ArcGIS дастурининг ArcMap иловаси ёрдамида мазкур космосуратлар юклаб олинди ва геофазовий боғлаш панели орқали белгиланган нуқталарга қўзғалмас нуқталар асосида координата қийматлари киритилди.

Космосуратни трансформация қилиш жараёни якунлангачи мавзули вектор кўринишидаги қатламлар асосида космосуратларни векторлаш жараёни амалга оширилди. Натижада Хоразм вилоятининг электрон рақамли харитаси шакллантирилди (2-расм).




2-расм. Хоразм вилоятининг электрон рақамли харитаси

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг гидромудуль районлаштириш хариталарини яратишда ҳудудлар бўйича сизот сувларининг сатҳи тўғрисидаги ахборотлари асосий маълумотлардан бири саналади. Хоразм вилоятида суғориладиган майдонларида сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минерализациялашаганлигини доимий назорат қилиш учун бугунги

кунда Вилоят мелиорация экспедицияси балансида 2013 та кузатув кудуклари мавжуд.


Хоразм вилояти бўйича жами сизот сувлари сатҳини кузатувчи кудукларнинг ҳисоби юритилиб, схематик кўринишдаги сизот сувлари сатҳини кузатувчи кудукларнинг географик жойлашуви визуаллаштирилган хариталар таҳлил қилинди. GNSS сунъий йўлдош тўлқин қабул қилгич ёрдамида тадқиқот ҳудудидаги дала ишлари олиб борилиб, кузатув кудукларининг координата қийматлари ArcGIS дастурида қайта ишланиши учун интеграция қилинди. Бунда жадвалда кўрсатилган координаталар асосида нукталар автоматик фазовий ўрнини график кўринишида намоён қилади (3-расм).



3-расм. Кузатув кудукларини ArcGIS дастурига юклаш

График кўринишдаги кузатув кудукларини электронлаштириш, яъни вектор кўринишига олиб келинади ҳамда улар маълумотлар базасига киритиб борилади.



IDW алгоритми асосида кузатув кудукларидан олинган маълумотлар яъни, сизот сувларининг сатҳи бўйича олинган маълумотларга кўра ер ости сувларининг географик жойлашуви шакллантирилади (4-расм).



4-расм. Ер ости сизот сувларининг географик жойлашувини визуаллаштириш

Тадқиқот ҳудуди бўйича мавжуд туманларнинг сизот сувларининг тарқалиш харитаси яратилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқот ишида тупроқларнинг механик таркиби муҳим ўрин тутди. Тупроқларнинг механик таркиби ва сизот сувлари сатҳига кўра гидромодуль районлаштириш хариталари ишлаб чиқилди. Хариталарни ишлаб чиқишда дала тадқиқот натижалари асосида жамланган маълумотлар ва ахборотлар таҳлил қилиниб тупроқ хариталарини тузишда фойдаланилди.



Мазкур жараёнда қоғоз хариталар йирик хажмдаги сканер ёрдамида электронлаштирилиб (растр кўринишига келтирилади), ArcGIS дастури ёрдамида геофазовий боғланди. Растр кўринишидаги электрон рақамли харита мавзули қатламлар асосида векторланди ва тегишли тупроқ таснифлари атрибутив жадвалларга киритилди. Бундан ташқари кузатув қудуқларининг паспортида келтирилган тупроқларнинг механик таркиби бўйича маълумотлар рақамлаштирилиб, интерполяция усули орқали майдон кўринишидаги тупроқларнинг механик таркиби шакллантирилди. Натижада электрон рақамли кўринишдаги тупроқнинг механик таркибига эга бўлган харита ҳосил бўлди (5-расм).



5-расм. Хоразм вилоятининг электрон рақамли тупроқ харитаси

Юқорида келтирилгани каби Хоразм вилоятининг суғориладиган ер майдонлари бўйича тупроқларнинг механик таркиби енгил, ўрта ва оғир механик таркибдаги класслар асосида туркумлаштирилди ва электрон рақамли кўринишда тузилди.

Хоразм вилояти бўйича суғориладиган ерларнинг гидромодуль районлаштириш хариталарини тузиш учун юқорида юқлаб олинган космосуратлар асосида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар, аҳоли яшаш жойлари, сув фонли ерлари ва суғориладиган ер майдонлирининг векторли қатламлари яратилди (6-расм).




6-расм. Хоразм вилояти ерларининг геомаълумотлар базасида яратилган физиологик харитаси

Натижада геоматълумотлар базасида кузатув қудуқларининг рақамли жойлашуви, сизот сувларининг майдонли кўринишидаги сатҳи, тупроқларнинг механик таркиби тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган майдонли кўринишдаги қатлами ва тадқиқот ҳудудининг физиологик таснифи геовизуаллаштирилди. Мазкур геовизуаллаштирилган қатламлар асосида фазовий таҳлиллар қилиниб гидромодуль районлаштириш хариталари тузилди.

Гидромодуль районлаштириш хариталари тупроқ таркибига кўра: кум-шағал устида жойлашган кам қалинликдаги (0,2-0,5 м) қумоқ ва лойли ҳамда катта қалинликдаги қумли; кум-шағал устида жойлашган ўрта қалинлик (0.5-1.0 м) даги ўрта, оғир қумоқ ва лойли ҳамда катта қалинликдаги қумлоқ ва енгил қумоқ; катта қалинлик (1.0 м дан кўп) даги ўрта, оғир қумоқ ва лойли; қумли ва қумоқ ҳамда кам ва ўрта қалинликдаги қумоқ ва лойли; бир хил қатламли енгил ва ўрта қумоқ ҳамда пастга енгиллашувчи оғир қумоқ; оғир қумоқ ва лойли, бир хил қатламли ва турли механик таркибли, қатламли ҳамда сизот сувлари сатҳининг баландлиги $1,0 < 2,0 < 3,0$ ва ундан катта бўлган қисмларда жойлашганлигига қараб, гидромодуль районлаштириш жадвали тузиб чиқилди.

Гидромодуль районлаштириш жадвали асосида ArcGIS дастуридан фойдаланиб алгоритм ишлаб чиқилди. Алгоритм “Con(((“shavat_interpolation” >= 200) & (“shavat_interpolation” <= 300) & (“Tuproklar_PolygonToRaster” == 1)),1,0)” тартибда тузилиб, Хоразм вилоятидаги мавжуд суғориладиган ер майдонларининг гидромодул районлаштириш хариталари тузиб чиқилди (7-расм).



7-расм. Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларини гидромодуль районлаштириш электрон харитаси

Гидромодуль районлаштиришда шартли белгилар базаси яратилиб, ранглар спектори асосида ягона тизимга келтирилди. 9 та гидромодуль районлари учун такрорланмас ва ёрқин ранглар асосида визуаллаштириш имконияти яратилди (8-расм).

I	Қум-шағал устида жойлашган кам қалинлик (0,2-0,5 м) даги қумоқ ва лойли ҳамда катта қалинликдаги қумли.
II	Қум-шағал устида жойлашган ўрта қалинлик (0,5-1,0 м) даги ўрта, оғир қумоқ ва лойли ҳамда катта қалинликдаги қумлоқ ва енгил қумоқ.
III	Катта қалинлик (1,0 м дан кўп) даги ўрта ва оғир қумоқ ва лойли.
IV	Қумли ва қумоқ ҳамда кам ва ўрта қалинликдаги қумоқ ва лойли.
V	Бир хил қатламли енгил ва ўрта қумоқ ҳамда пастга енгиллашувчи оғир қумоқ.
VI	Оғир қумоқ ва лойли, бир хил қатламли ва турли механик таркибли, қатламли.
VII	Қумли ва қумоқ ҳамда кам ва ўрта қалинликдаги қумоқ ва лойли.
VIII	Бир хил қатламли енгил ва ўрта қумоқ ҳамда пастга енгиллашувчи оғир қумоқ.
IX	Оғир қумоқ ва лойли, бир хил қатламли, турли механик таркибли, қатламли.

8-расм. Гидромодуль районлаштиришда шартли белгилар базаси

Мазкур кетма-кетликларни амалга ошириш натижасида Хоразм вилоятининг туманлар (иловада келтирилган) кесимида гидромодуль районлаштириш хариталари тўлиқ яратилиб чиқилди ҳамда ҳамда бугунги кунда Хоразм вилояти суғориладиган ерларининг 0.54% и I, 0.48% и II, 0.29% и III, 4.10% и IV, 4.45% и V, 4.23% и VI, 24.18% и VII, 23.44% и VIII ва 38.28% и IX гидромодуль районларга мансублиги аниқланди .

Диссертациянинг «Хоразм вилоятининг асосий гидромодуль районлари бўйича ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича дала тажрибалари» деб номланган тўртинчи бобида тажрибалар объекти, услуби ва тажриба тизими, ғўзани етиштиришдаги агротехник тадбирлар, тажриба далалари тупроғининг сув-физик хоссалари, ғўзанинг суғориш тартиблари, ғўзанинг суғориш тартибларини тажриба даласининг мелиоратив ҳолатига таъсири, суғориш тартибларини ғўзанинг ўсиши ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ҳамда ғўзани суғориш тартибларинининг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Хоразм вилояти суғориладиган ерларини гидромодуль районлаштириш натижаларига биноан вилоятининг суғориладиган ерларини энг катта қисмлари 24.18% и VII, ва 38.28% и IX гидромодуль районларга мос келиши муносабати билан, ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича дала тажрибалари шу гидромодуль районларда олиб борилди.

Ғўза экилган тажриба даласининг тупроғининг механик таркиби тадқиқотлар бошида олинган тупроқ кесмасидан генетик қатламлар бўйича олинган тупроқ намуналарида аниқланди. Лаборатория таҳлилининг маълумотларига кўра, 1-тажриба даласи (IX гидромодуль район) тупроғининг механик таркиби Н.Качинский тавсифномасига кўра, 0-39 см чуқурликдаги қатлами оғир кумоқ, 39-75 см чуқурликдаги қатлами оғир кумоқ, 75-92 см чуқурликдаги қатлами ўрта кумоқ тупроққа, 92-118 см чуқурликдаги қатлами ўрта кумоқ тупроқлар таснифига киради. 2-тажриба даласи (VII гидромодуль район) тупроқларнинг механик таркиби 0-100 см.гача енгил кумоқ ва 100-150 см. қатламда кумлоқ механик таркибга эга эканлиги аниқланди.

Тупроқ ҳайдов қатламининг тузилишини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири унинг ҳажмий оғирлиги ҳисобланади. Тажриба ўтказилган йилларда 1-тажрибада вегетация бошида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ҳайдаладиган 0-30 см қатламда 1,36-1,38 г/см³ ни ва 0-100 см қатламда 1,41-1,42 г/см³ ташкил қилди. Вегетация охирига бориб, 1-назорат вариантда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ҳайдаладиган (0-30 см) қатламда 1,41-1,43 г/см³ ва 0-100 см қатламда 1,44-1,46 г/см³ ни ташкил қилди ҳамда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 0,03-0,05 г/см³ га ортди. 3-вариантда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ҳайдаладиган 0-30 см қатламда 1,39-1,40 г/см³ ни ва 0-100 см қатламда 1,43-1,44 г/см³ ни ташкил қилди ҳамда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 0,02-0,03 г/см³ га, яъни назорат вариантыга нисбатан кам миқдорда ортди.

